

Ушбу сонда:

2

ЎҚУВЧИЛАРГА СТИПЕНДИЯ, ўқитувчиларга қўшимча тўлов

3

Конституциямизни ўрганамиз АДОЛАТЛИ ҚОНУНЛАР АСОСИ

4

Яхшилик яхши! ҲАЛОЛ МУЛККА ЗАВОЛ ЕТМАГАЙ

ТУМАН ТЎЛИҚ ГАЗЛАШТИРИЛАДИ



ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 23 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 7 январ, сешанба № 4 (1429)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Янги йил шукуҳи

## ЧОРВОҚДА ЯНА БИР ДАМ ОЛИШ МАСКАНИ ИШГА ТУШДИ

**Тошкент вилоятининг хушманзара Бўстонлик туманида «Металлург» дам олиш масканининг тантанали очилиш маросими бўлди.**

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан мазкур тумандаги Чорвоқ-Чимён худудининг экологик муҳитини авайлаб-асраш ҳамда жохон андозалари даражасидаги соғломлаштириш масканларини бунёд этишга алоҳида эътибор берилмаётган. Утган йил мобайнида бу ерда талай бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани қувонарли ҳолдир. Хусусан, Чорвоқ сув омбори соҳили ободонлаштирилиб, автомобил йўллари кенгайтирилди. Ушбу худуднинг янада файзли бўлиши учун турли манзарали ва мевали дарахт, арча ҳамда гул кўчатлари экилиб, ён-атроф кўкаламзорлаштирилмоқда. Кўллаб оромгоҳлар, сижатгоҳлар куриб фойдаланишга топширилмаётган. Бундай дам олиш даргоҳлари худуднинг табиий-экологик ҳолати, рельефини сақлаб қолган ҳолда бунёд этилаётгани, айниқса, эътиборга молиқдир.



Жумладан, «Металлург» пансионати

«Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг икки юз нафар ишчи ва хизматчиси дам олиши учун мўлжалланган. Металлурглarning мароқли хордиқ чиқариб, ўз саломатлигини тиклаши учун бу ерда барча шароит мавжуд. Спорт майдони, ижара пунктлари, кафе, рестороанлар дам олувчилар ихтиёрида бўлади.

Ташкилотимиз ушбу пансионат барпо этилишида бош гудратчи ҳисобланади, - дейди «ТошДИЭС курилиши» курилиш бошқаруви раҳбари Ғайрат Мираҳмедов. - Бунёдкорлик ишлари ўтган йилнинг ноябрида бошланган эди. Шу кунларда пансионат илк дам олувчиларни қабул қила бошлади.

Дам олиш масканининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Р.Юнусов, Р.Азимов, Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақуллов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.



## Қўшма корхоналар - иқтисодиёт қудрати

Ўтган йили ўзининг 2700 йиллигини нишонлаган Шахрисабзда Ўзбекистон, Туркия ва Япония ишбилармонлари ҳамкорлигининг самараси ўларок «Оқсарой тўқимачи ЛТД» қўшма корхонаси ишга туширилган эди.

ри Тошкент вилоятидаги «Чиноз тўқимачи» қўшма корхонасида касб маҳоратларини ошириб келди.

(ЎЗА).

## ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

Янги корхона буюк бобомиз Амир Темура ҳазратлари бунёд этган Оқсаройга уйғунлашиб кетган. Яшил шаҳарга қадам қўйишингиз билан олисан бу қудратли корхонанинг ишю-отлари оқариб кўзга ташланади.

Шахрисабздан «Садо» акциядорлик жамияти, Япониянинг «Мицубиси» корпорацияси ҳамда Туркиянинг «Бурсел» фирмаси томонидан таъсис этилган «Оқсарой тўқимачи ЛТД» курилиши 2000 йилнинг сентябрида бошланиб, қисқа муддатда - белгиланганидан тўрт ой илгари фойдаланишга топширилди.

Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки жиҳозлар сотиб олиш ва курилиш учун 47,479 миллион АҚШ доллари миқдорда имтиёзли кредит ажратди. Йилига 6110 тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга бўлган йиллик жамоада 600 дан ортиқ киши меҳнат қилади. Маҳсулот 100 фоизга четга экспорт қилинади. Ҳисоб-китобларга қараганда бир йиллик экспорт ҳажми 20,9 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Хорижий ҳамкорлар кўмағида маҳаллий ёшлар маҳсул ўқув курсини ўтатиш ва мураккаб ускуналарни бошқаришни пухта эгаллаб олдилар, - дейди кор-

хона бош директори Зайниддин Боқиев. - Тайёрланаётган маҳсулотлар сифати халқаро андозаларга тўлиқ жавоб беради.

Бири-бирдан ишчан, истеъдодли ва билимли ёшлар ишлаётган ҳаётларда пахта толаси ип калава ҳолига келтирилади. Бу ерда йилига 4800 тонна маҳсулот тайёрланади. Шундан 2274 тонна ип калава ва 263 тонна трикотаж мато ҳисобланади. Қисқа муддатда 5 миллион 103 минг АҚШ доллари миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хорижга жўнатилди.

Корхона цехларида кечаю-кундуз ҳаёт қайнади. Асосий мақсад рақобатбардош, харидорнинг ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат. Шу кунгача 3500 тоннадан ортиқ пахта толаси қайта ишланди. Туркиянинг «Бурсел» компанияси билан тузилган фьючерс шартномаси орқали ип калава матолар Германия, Франция, Бельгия каби Европа давлатларига жўнатилади. Келгусида буюртмачилар сони янада кўпаяди.

«Оқсарой тўқимачи ЛТД» Қашқадарё заминидеги чет эл технологияси ўзлаштирилган қудратли корхоналардан бири. Юртдошларимиз мураккаб дастгоҳларини бошқариш сирларини ўрганиб олдилар. Маҳаллий ёшлардан юз нафа-

12 гектарлик майдонда жойлашган корхонада ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар учун ҳамма қулайликлар яратилган. Поликлиника, стадион, спорт майдончаси каби масканлари улар ихтиёрида. Ишчиларга бепул тушиқ берилди. Олис масофадан катнаб ишлаётганлар учун автобус ажратилган. Дам олиш, ювиниш, гигиена хоналари ишлаб турибди.

Иқтисодий манфаатдорлик ошиб бормоқда. Ҳар бир кишининг ўртача ойлик маоши 40 минг сўмини ташкил этади. Маҳсулот сифатини доимий назорат қилиб туриш мақсадида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборатория ташкил этилган.

Меҳнат бахт келтиради, дейдилар. Раҳима Уринова, Элбек Ҳалимов, Шоҳида Эшонқуллова каби ёшлар Метин Грин, Танер Топлон ўғли, Эрол Квин каби хорижий мутахассислар билан бир сафда ишламоқдалар.

Мамлакатимизнинг катта бойлиги ҳисобланган пахтани қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолида экспорт қилинишига муносиб ҳисса қўшаётган қўшма корхонада ҳаёт бир маромад давом этмоқда.

Иzzат ХИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

## Хайрли қадам

### ИШЛОВЧИННИНГ КАЙҒИЯТИ АЪЛО

«Жиззахдаги «ПРС-Пласт» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган. Ана шундай тамага босилган пластмасса қувурларга бугунги кунда нафақат ўз диёримизда, балки хорижда ҳам талабдорлар кўпайиб бормоқда... Германия, Қозоғистон, Россия мамлакатлари асосий истеъмолчилар бўлиб қоляпти. Биргина Эрон Ислам Республикасига ҳозиргача 26 минг евро миқдорда маҳсулот етказиб берилди. Корхонада 20 атмосфера босимида дош бера оладиган 63 дан 250 мм.гача ҳажмли пластмасса қувурлар ишлаб чиқариляпти.

Қўшма корхона жамоаси ўтган 2002 йилни яхши натижалар билан якунлади. Жами 380 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Энг муҳими, истеъмолчилар бу маҳсулотларга юксак баҳо бердилар.

Мамлакатимиз ички бозоринда сифат ва чидамлилиги, харидорнинг билан диққат-эътиборни тортаётган Жиззахнинг пластмасса қувурлари бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисига тоза ичимлик суви олиб келишида ҳам ишлатилмоқда.

Аваллари қўшма корхонага полиэтилен хомашёси Бельгия ва Жанубий Кореядан келтирилган бўлса, ўтган йилнинг октябридан мамлакатимиз жануби-Шуртандан олина бошланди. Бу тайёр маҳсулот таннархини 1,5 баравар арзонлаштиришга олиб келди.

Корхонамизда 3 смнаи иш ташкил этилган, - дейди тижорат ишлари бўйича директор ўринбосари Фарход Сайдалиев, - ҳар смнада 4 тоннагача тайёр маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Ўтган йили 2 минг тоннадан ортиқ пластмасса қувур ишлаб чиқарилди. Бу йил ҳам шунча миқдордаги маҳсулотга шартнома тузилди. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 60-70 минг сўмдан кам бўлмаляпти.

Биз қўшма корхонада бўлганимизда Янги йилнинг дастлабки иш кунинда Фозилжон Ғайбуллаев раҳбарлигидаги биринчи смна ишчилари меҳнат қилишаётган экан. Барча иш автоматлаштирилган, ишлаб чиқариш жараёнлари «Экструдер»да компьютер орқали кузатиб борилади. Полиэтилен хомашёси катта ва кичик бункерларга сўрилиб, маҳсул курилмаларга жўнатилади. У ерда 200-220 даражали ҳароратда эритилиб, қопилларга оқиб боришини кузатамиш. Бир пасда турли хил ўлчамдаги тайёр маҳсулотлар пайдо бўла боради.

Смнамизда 180 мм. ҳажмдаги 781 метр узунликдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқардик, - дейди Ф.Ғайбуллаев ўз меҳнатидан мамун жиламайиб. - Касбимни севаман. Менга касбдошларим Қ.Узоқов, М.Собировлар яқиндан ёрдам беришляпти.

Фозилжондан шажий ҳаётида бошланғич касаба уюшмасининг аҳамияти ҳақида сўраганимизда, у ҳаяжонини яширолмади, шундай деди: мен бу жамоат ташкилоти ва унинг сарқори Жовли Солиевдан бир умр миннатдор бўлиб қолам. Негаки, ҳаётимда энг қувончли кун - уйланиш тўйим учун касабам томонидан 300 минг сўм ажратилди. Бу каби хайрли ишларга амалий ёрдам кўрсатиш жамоа шартномасига киритилганидан мамунман.

Ҳа, қўшма корхонанинг 35 кишилик меҳнат жамоаси яқин - 2003 йилнинг дастлабки иш кунини ана шундай кўтаринкилик кайфиятида бошлади...

Абдумонноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

## БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ

Бутун мамлакатимизда бўлганидек, Қорақалпоғистонда ҳам Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига биноан узлуксиз таълимнинг муҳим бўғини - замонавий академик лицей ва касб-хунар коллежлари курилиши босқичма-босқич изчил амалга оширилмоқда. Янги йил байрами арафасида ана шундай бинолардан бир нечтаси фойдаланишга топширилди.

Шуманай туманидаги «Амударё» очик турдаги акционер-

лик жамияти ҳамда 324-сонли хўжалиқлараро қўшма меҳанизациялашган курилиш жамланмаси бунёд этган қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари, касб сирларини мукамал эгаллашлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Замонавий меъморлик услубида бунёд этилган коллеждаги йиғирма фан кабинети, ўн битта лаборатория ва ўқув-ишлаб чиқариш устахона-

лари, спорт зали, кутубхона ва ошхона ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

Коллеж курилишида 607 миллион сўмлик курилиш-таж ишлар бажарилди, - дейди «Амударё» ОТАЖ раиси Қувончғалиев Алиев.

Нукус шаҳридаги транспорт, Бегуни туманидаги қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳам Янги йилни янги бинода кутиб олишди.

(ЎЗА).

**Агар йўлингиз тушиб Қўшрабoт томонларга бoриб қолсангиз, туман марказий бoзoри жoйлашган кирга кўтарилишингиз билан катта темир дарвоза пештоқига ёзилган «Меҳнат» деган лавҳага кўзингиз тушади. Унинг ўйингоҳ эканини англаш унчалик қийин эмас. Лекин дарвоза панжараларидан ичкарига асло назар ташлай қўрманг. Сабаби ташландик ўйингоҳ майдони, бетон ўриндиқлар, курилиш бошланган-у тугалланмай қолганлигидан харобага айланган бино колдиклари таъбингизни хира қилиши аниқ.**

Нимаям дердик. Қўшрабoт тумани қайта ташкил этилган 1978 йилдан ёшлар келажagini ўйлаган раҳбарларнинг саъй-ҳаракати билан бошланган қўлаб маданий-маиший объектлар сирасига ўйингоҳ курилиши ҳам киритилган эди. Ўйингоҳ кўп йиллар давомида анчагина хайрли тadbирлар - байрам сайиллари, оммавий спорт ўйинлари ўтказиладиган, нуфузли меҳмонлар келадиган жой бўлиб келди. «Қаровсиз бог тоғ бўлар, юрак-бағринг доғ бўлар» деганларидек, бoра-бoра туман раҳбарлари бу ердан кўз юмиб ўтадиган одат чиқаришди. Бoра-бoра ўйингоҳ ички ва ташқариси, айниқса жума кунлари ажойиб томошагоҳга айланадиган бўлди. Доира шаклидаги устки саҳн аймақлар буюмлари билан тўлади. Бoзoр бoзoр-да. Нима кўп - чиқит. Қарабсизки, ўйингоҳ тезда турли-туман чиқиндилар билан тўлади. Иншоотнинг кунботиш тарафида жойлашган мол бoзoрида ҳам антиқа «ўйин» кизигандан кизий-

ди. Натижада ўйингоҳ атрофи, дарвозалар олди кўй-қўзио сигирлар тезаги бўлиб «безанади».

Ҳозир ўйингоҳда спорт мусoбақалари ўтказишингиз сира иложи йўқ, - дейди туман футбол клуби директори Фанишер Носиров. - Сабаби бир пайтлар катта меҳнат эвазига майдонга ётқизилган чимлар «қариб», ўз хусусиятини йўқотгани етмаганидек, аксар жойларида юмронқoзиқ инлари ҳам ҳосил бўлган. Худо кўрсатмасин, ўйин пайтида футболчиларнинг оёғи ана шу чуқурчаларга тушиб қoлса бoрми?..

Бунинг устига бoзoрчилар эгасиз қолган ўйингоҳ «забт» этишини давом эттиришмоқда. Масалан, сўнги пайтда ўйингоҳнинг ўнг томонидаги саҳнада касoбчилик дўкoнлари куриб олинди. Туман меъморли ўйингоҳга тегишли бу жойларни «қoнуний қилиб» ўлчаб берганига қoйил қoлмай илож йўқ. Дарвоқе,

ўйингоҳ номигагина туман халқ таълими бўлимига қарашли спорт мактаби тасарруфига ўтказиб қўйилган. Ҳoлбуки, ўзи ёрдамга муҳтож, қудалик машғулотларини бир меъёрда ўтказиш учун спорт жиҳозларига эҳтиёж сезаётган БУСМ бу улкан иншоотни таъмирлаши-ю обoдончилик ишларини олиб бoри-

футбол мусoбақалари мутлақо ўтказилмайди. Масалан, «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ҳар йили мунтазам ташкиллаштириладиган «Футболимиз келажиги» мусoбақасининг туман бoсқичи умуман ўтказилмайди. Вилоят бoсқичига эса туман ҳoқими топшириғига кўра қўшрабoтлик ёш футболчилар

## Дўст ачитиб гапиради

ронтаси кейинги 2-3 йил ичида вилoят миқёсидаги мусoбақаларда совринли ўринларни кўлга кирита олишмади.

Хўш, бу аҳволда қўшрабoтлик спортсевар ёшлар ўзларининг бўш вақтларини қачон замонавий, ширин ва кўркам спорт майдонларида ўтказадилар? Умуман, туманда республика ҳукуматининг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид қарорлари ижроси таъминландими?

Муҳтарам Юртбошимиз халқ депутатлари Самарқанд вилoят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида Қўшрабoтда иқтисодий-ижтимоий ислохотлар давр талабларидан орқад қoлаётганини алоҳида таъкидлаган ўтган йилда. Таассуфлар бўлсинки, туманда иқтисодий соҳада, жумладан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида бирон-бир хайрли қадам қўйилганини илғаш қийин. Шунингдек, қишлоқ жойларида инфратузилмани шакллантириш учун айтарли иш қилинмаган. Буларни-ку кўя туринг, маданий соҳада йўғини яратиш эмас, ақали борларини асраб-авайлашмаганлиги

ачинарли ҳoл. Мисoл учун, туман маркази ақинида жойлашган сой бўйидаги катта майдондаги дарахтзорда бир пайтлар маданият ва истироҳат боғи барпо этилиб, унда бошлар кутубхонаси, томошагоҳу спорт майдончалари, чойхона ва ошхоналар қад ростлаган эди. Айниқса, чўмилиш хавзаси, мусoбақалар ўтказиш учун мўлжалланган бассейн қўшрабoтликларнинг энг сеvimли масканига айланганди.

Афсуски, бассейн атрофида отилиб турган фавворалар, кўлда сузиб юрган қайиқлар қoраги барчаси ширин хотирага айланди. Туман раҳбарларининг бепарволиги тўғайли дарахтлар кесилди, боғдаги қимматли жиҳозлар, қайиқлар қайиқлар гойиб бўлди. Бир сўз билан айтганда, маданият ва истироҳат боғи ўрнида харoбазoр қoлди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда ислохотлар муваффақиятли амалга ошириляётган, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тўбдан ўзгараётган бир пайтда Қўшрабoтда маданият ва истироҳат боғининг бўлмаслиғи, мавжуд ўйингоҳнинг қаровсиз ҳoлга ташлаб қўйилиши жиндақ хижолатли бўлса керак-ов. А, нима дейсиз?

Ялғoш САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.



лари ўтказиш учун бошқа дурустрок иншоот бордирки, буниси эътиборсиз қoлибди, дeрсиз. Қаёқда. Ёшлар қаeрга бош суқишни билмай гаранг. Туман ҳoқимлигинидаги мутасаддиларнинг эса парвоий фoлак. Шу боис мана бир неча йилдирки, туманда

**Хар бир ходимга кўрсатилаётган ғамхўрлик корхонанинг иқтисодий ва молиявий ҳолатини тубдан яхшилаш имкониятини яратди. Бу соҳада Андижон вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшма кўмитасининг фаолияти ибратли.**

Бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Пўлатжон Хошимовнинг иш хонасида «Андижон Телеком» акциядорлик жамияти раиси М.Қодиров, «Андижон почтаси» директори К.Пўлатовлар касба уюшмаси билан иш бевуричлар ўртасида тузилган битимнинг бажарилиши хусусида маслаҳатлашди.

Уз атрофига 3160 нафар аъзо, 10 та бошланғич, 31 та цех ташкилотларини бирлаштирган касба уюшма вилоят кўмитаси ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар тўғрисида ғамхўрликни кўчатирилди. Шунинг учун ҳам ҳар иккала корхона ҳамда унинг филиалларида вилоят халқ ҳўжалиги ва аҳолисига сифатли хизмат кўрсатилаётган.

Авалло кўп маблаг ва ишчи кучи сарфланмасдан тезкор хизмат турлари йўлга қўйилмоқда. Вилоятда сўзлашув масканларининг сони 24

та йўналишда ички зонали алоқа кабеллари оптик ва акустик сигнализацияга уланди. 18 та алоқа иншоотлари ёнгина қарши сигнализация билан жиҳозланди. Ички зонали кабеллар трассаларига қўшимча равишда 72 та оғоҳлантирувчи ускуналар қўйилиб, 210 та юридик ва жисмоний шахсларга

**Касаба уюшмалари иш тажрибасидан**

фондига сарфланди. Шундан 168,1 миллион сўми фақат лавозим маошига ажратилган бўлса, 284,0 миллион сўм маблаг эса турли ижтимоий имтиёзларга сарфланди. Хар бир кишининг ўртача ойлик маоши 35000 сўмдан

харид қилиш учун хар бир кишига 3000 сўмдан маблаг берилганлиги, ишчилар сўт ва мева шербатлари билан таъминланаётганлиги касба уюшмалари билан маъмурият олиб бораётган ҳамкорликда амалий тадбирлар

**ХИЗМАТ, ҲИММАТ ВА ҒАМХЎРЛИК**

несни ривожлантириш натижасида 500дан ортиқ қўшимча иш ўринлари яратилди.

Маркетинг фаолиятида жиддий ўзгаришлар бўляпти. Қўшимча алоқа хизмати турларини тартиб қилиш оқибатида АТС мижозлари сони ўн баробарга кўпайди ва ярим миллион сўм даромад олинди.

Телекоммуникация иншоотларининг сақланиши яхшиланмоқда. 122 та боғловчи линиялар, 376 та тарқатиш шафлари, 226 та магистрал кабеллар, 5

кабел трассалари ўтган жойларда шикастланишларга йўл қўймаслик бўйича оғоҳлантирувчи эслатмалар берилди, 380 та тарқатиш шафлари кулф билан беркитилди. Режадаги 10 та алоқа кабелини тўла герметиклиги таъминланди.

Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида жуда кўп амалий ишлар қилинди. Жамоа шартномасида қабул қилинган барча бандларнинг тўла бажарилишига эришилди. Йил давомида 452,1 миллион сўм маблаг ойлик иш ҳақи

ошиб кетди. Ёлғиз нафақахўр ва ёрдамга муҳтож оилаларга 1 миллион 110 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган.

Меҳнат муҳофазаси бўйича «Андижон почтаси» хиссадорлик жамиятида жамоа шартномасига асосан 3 миллион 307 минг сўм маблаг сарфланганлиги, 41 нафар ходимнинг телефон хизматидан фойдаланиш ҳақлари корхона ҳисобидан тўланганлиги, 15 дан ортиқ ишчи газета, журналларга бепул обуна қилинганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

самарасидир.

Пойтўғдаги телекоммуникациялар боғланмаси, «Матбуот тарқатиш уюшмаси», «Радиотелевизион марказ», «Уздунробита» қўшма корхонаси, Қорасув ва Хонобод шаҳар электр алоқа бўлимларида тунги сменада ишловчилар, аёллар ва болалар учун қўшимча имтиёзлар яратилган. Турмуш қурадони йигит-қизларга ўртача ойликнинг ўн баробари миқдоринда мукофот берилди. Агар ходим шифохонада бир ойдан ортиқ даволанса, ўртача

**Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда? АҲОЛИНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ**

**«Пахта-Банк»нинг Сирдарё вилояти бошқармасида кичик ва ўрта бизнес субъектларини имтиёзли кредитлаш имкониятини кенгайтирди**

Хусусий тадбиркорликни бошлашга бошладиму лекин бошланғич сармояни қаердан оламан, деб бошим қотиб қолди, - дея ҳикоя қилади Оқ олтин туманининг «Сардоба» кўрғонда истиқомат қилувчи Зухра Арслонова. - Ҳеч иккиланмасдан «Пахта-Банк»нинг «Сардоба» бўлимига бордим. Банкдагилар мени илқ қутиб олишди ва қисқа муддат ичда имтиёзли кредитлаш жамғармасидан 3 миллион сўм қарз ажратди. Ушбу маблагнинг 1,5 миллионига тилув машиналари, ярмига хомашё сотиб олдим. Ўтган давр давомида кредит фойзаларини тўла қайтардим ва 3 миллион сўм соф фойда билан йилни яқунлашга муваффақ бўлдим.

Ана шу бўлимдан «Истиқлол» фермер хўжалиги раҳбари Ҳотам Маматов ҳам 15 фоиз устам билан 16 миллион 775 минг сўм қарз олган эди. У бу маблагга «Алтай» русумли трактор ва ерга ишлов бериш механизмларини сотиб олди. Бултур шу трактор ва механизмлар ўрта ҳисобда хар ойда 800 минг сўмлик иш бажарди. Муҳими, фермер уч йилга берилган кредитнинг фойзалари билан икки йилда қайтармоқчи.

Ҳақиқатан ҳам бошқармада кредит бериш имконияти йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Хусусан, ўтган йил 1 декабр ҳолатига берилган қарзлар 623,7 миллион сўмни ташкил этди. Бундан 272 нафар тадбиркорга фойдаланди. Бунинг асосий қисми банкнинг ўз маблаг ҳисобидан бўлди. Андижон қилиб айтганда, ишбилармонларга бошқарма 500 миллион сўмдан зиёд кредит ажратди. Бундан банкнинг Деҳқонобод бўлими пешқадамлик қилди. Бўлим 21 нафар тадбиркорга 68 миллион сўм кредит беришга муваффақ бўлди. Сайхунобод, Сардоба, Янгиер бўлимлари ҳам умумий кўрсаткичга ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

ЁЛКИН.

Ғанимиз қуруқ фактлардан иборат бўлиб қолмаслиги учун яна бир мисолга мурожаат қилсак. Сайхунобод туманида жойлашган «Каркидон» фермер хўжалигининг 87 гектар ери бор. Ана шу ерларга ишлов бериш мақсадида фермер Сайхунобод бўлимидан 15 миллион 500 минг сўм қарз қўтарди. У бунга «Алтай» русумли трактор сотиб олди. Натижада йил мобайнида 1 миллион 85 минг сўм пул тежалди. Бундан ташқари, ҳозирги кунда шу трактор билан 9 та фермерга ерга ишлов бериш бўйича хизмат кўрсатилди, 3 миллион сўмга яқин маблаг топилди.

Аҳолига савдо хизматини кўрсатувчи корхона ва ташкилотларга кредит бериш натижасида вилоятда пул эмиссияси қисқариб бормоқда. Масалан, ўтган йилнинг 11 ойида «Пахта-Банк» бўлимлари томонидан савдо шохобчаларига 312 миллион сўмдан зиёд кредит берилган эди. Оқибатда юқоридаги ташкилотлардан тўшвётган бир ойлик нақд пул йил бошига нисбатан 883,9 миллион сўмга кўпайди. Бошқарма бўйича нақд пул эмиссияси йил бошида 46,5 фоизга тўғри келган эди. Ноябрь ойига келиб эса бу рақам бор-йўғи 16,3 фоизни ташкил этди. Яъни йил бошига нисбатан нақд пул эмиссиясини 28,2 бадга қисқартиришга эришилди. Бу эса ўз навбатида пенсиялар, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, стипендияларни ўз вақтида нақд пул билан таъминлаш имконини берди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблагларини жамғармаларга жалб қилиш бугунги кунда банклар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Чунки бунда, биринчидан, одамлар банкка қўйган пул ҳисобига маблагини кўпайтириб олади. Банк эса ўз ресурс маблагларини оширади, ликвидликни ўрнатилган меъёрга сақлаб қолади. Бун ўз вақтида англаган бошқарма ходимлари кейинги вақтларда бир неча янги омонат турларини жорий этди. «Болалар келажакимиз», «Она замин саховати», «Истиқлолни муборак», «Ҳосил», «Фаровонлик», «Муқаддас замин» омонат турлари шулар жумласидандир. Биргина «Қариялар кадр-қўмитаси» омонат турига бултур 68 миллион 664 минг сўм жалб қилинди. Айниқса, йилга 60 фоиз устам тўлаш шарти билан жорий қилинган «Шарқ юлдузи» омонат турига аҳолининг қизиқиши катта бўлди. Хар ойда ҳеч қандай муаммосиз устам фойзалар тўлаб берилаётганлиги боис, ушбу омонат турига одамлар 58 миллион сўмдан ортиқ маблагларини олиб келиб қўйди. Умуман олганда, шу кунгача жисмоний шахсларнинг банкка қўйган пуллари 1 миллиард сўмдан ошиб кетди. Йил бошига нисбатан жами омонат суммасининг миқдори анчага ўсди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини ҳаётга таътиқ этган ҳолда бошқарма ва унинг туман бўлимлари томонидан ўз фойдасининг 25 фоизи ҳисобига кичик ва ўрта бизнес субъектларини, деҳқон-фермер хўжалиқларини имтиёзли кредитлаш жамғармаси ташкил этилди. Ана шу жамғарма ҳисобидан бултур тадбиркорларнинг 79 нафарига 168 миллион сўмга яқин имтиёзли қарз берилди.

Ишбилармонларни кредитлашда бюджетдан ташқари фондлардан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Мисол учун ўтган 11 ой давомида вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармасидан бу мақсадларга 26,6 миллион сўм маблаг йўналтирилди. «Бизнес Фонд»нинг тадбиркорларга қарз бериш туридаги улуши 83,8 миллион сўм маблагни ташкил этди.

Тадбиркорлар ишини енгилаштириш, уларни ахборотлар билан таъмин этиш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинди. Жумладан, бошқарма ва унинг бўлимларида ишбилармонлар бурчаклари ташкил этилган. Унда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, кредитлар бериш бўйича йўриқномалар, уларни расмийлаштириш намунавий нусхалари ақ эттирилган.

Ғулом ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

**Бор бўл, оқибат! ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА**

**Термиз аэропорти жамоаси аъзонасига кўра, шу ерда ишлаб пенсияга чиққанлар асло унутилмайди. Қувончли кунларда ҳам, ташвишли кунларда ҳам фахрийлар ўзлари ишлаб кетган корхона жамоасининг ҳамиятини, одамгарчилигини сезиб туришади.**

- Комил ишонч билан айтаманки, Қарияларни қадрлаш йили деб эъвозланган 2002 йилда жамоамизда ишлаб пенсияга чиқиб кетган фахрийлар заррача бўлса-да, биздан ранжиганларни йўқ, - деди Термиз аэропорти касба уюшма кўмитаси раиси Зиёвуддин Нажмиддинов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Қилган яхши ишларимиздан бири, ўтган йил давомида ўттиз нафар фахрийга энг кам ойлик маош миқдоридан қўшимча пенсия бердик. Йил давомида бу тадбирлар учун 1 миллион 430 минг сўмга яқин маблаг сарфланди. Бундан ташқари, яна ўттиз нафар фахрийга энг кам ойлик маошнинг тўрт баравари миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилди. Бунинг учун 707 минг сўм сарфланди. Қарияларга ғамхўрлигимиз бу билан чеклангани йўқ. Олти нафар қарияни ўз ҳисобимиздан сўхатгоҳларда дам олдирдик, шифохоналарда даволатдик. Шунингдек, умумхалқ байрамлари муносибати билан ёзиладиган дастурхонларимиз турини қарияларимизга муносиб кўрдик. Биз қарияларимизни сийлаймиз. Улар эса ўз навбатида узоқ йиллар мобайнида орттирган тажрибаларини биз билан баҳам кўришади.


Термиз аэропортида ишлаб чиқариш фахрийлари ўз жамоаларидан ҳаммаша миннатдор.



Газли шаҳридаги «Газлитрансгазказибчиқариш» бошқармаси маъмурияти ва касба уюшма кўмитаси ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни махсус кийим-бош билан таъминлаш каби ибратли ишларни амалга оширилмоқда. Хусусан, зарарли ишда ишловчи 823 нафар ишчилар шартномада белгиланган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланмоқдалар.

Суратда: касба уюшма раиси Омина Насимова ходимлар билан ижтимоий масалалар юзасидан сўхбатлашмоқда.

Суратқаш: И.ХАСАНОВ.



**Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда**

**Маънавият ва маърифат жамиятини юксалтирадиган, баркамол инсонни шакллантирадиган омиллардандир. «Маърифатпарварлар» жамияти олдида ана шу мақсадга хизмат қилиш вазифаси қўйилган. Унинг Иштихон туман бўлими ҳам бир қанча ибратли тадбирларни амалга оширяпти.**

Туманда 91 та мактаб, битта иқтидорли болалар мактаби, 30 та мактабга тарбия муассасаси, 4 та мактабдан ташқари таълим маскани мавжуд. Уларда 4 минг нафардан зиёд ўқитувчилар меҳнат қилишади. Ҳозирги шартларда, очиги, ўқитувчи кўпайиб янги китобларни олиб ўқишга, ўрганишга қодир эмас. Шунинг учун «Маърифатпарварлар» жамияти туман бўлими ўз фаолиятида барча турдаги таълим тарбия муассасаларини, ўқитувчиларни дарсликлар, қўлланмалар, бадиий адабиётлар, оммавий-сиёсий нашрлар билан таъминлашга биринчи галда эътибор бермоқда. Мактаб ку-

**ЎҚУВЧИЛАРГА СТИПЕНДИЯ, ўқитувчиларга қўшимча тўлов**

тубхоналари хар йили минглаб китоблар билан бойитилапти. Масалан, ўтган йилда уларга 450 минг сўмлик дарсликлар ҳадя қилинди. Бундан ташқари, шу мақсадда кўплай семинарлар, ўқувлар, конференциялар ўтказилди. Бундай тадбирларда фаол иштирок этаётган, дарс самардорлигини оширишга эришаётган ўқитувчиларга мукофотлар таъсис этилди. Чунки моддий ма-

дад ҳеч кимга ортиқчалик қилмайди. Ўқитувчи ўз устида ижодий изланиши учун турмуш ташвишларидан холи бўлиши керак. Шу боис турли байрамлар баҳонасида илғор ўқитувчиларга, кам таъ-

мукофотлар жорий этилган. Агар ўқувчи вилоят олимпиадасида голиб бўлса, унга бир йил давомида стипендия, ўқитувчисига эса қўшимча тўлов тайинланади. Бу ўқитувчиларнинг дарсга муносибати тубдан яхшилади.

Ўтган йил давомида вилоятимизда ўқитувчиларга катта ғамхўрлик кўрсатилди. Таълим ходимлари учун «Устоз» саломатлик ва экология маркази ташкил этилди. Бу ерда муаллимлар йил бўйи ҳордик чиқариб, саломатликларини тиклашлари мумкин. Ўтган 2 ой мобайнида туманимиздан 26 нафар ўқитувчи дам олди. Йўлланма харажатларининг бир қисми жамият ҳисобидан қопланмоқда.

**Б.РАҲИМОВ, «Маърифатпарварлар» жамияти Иштихон туман бўлими раисининг ўринбосари.**

**«БОФИТУРКОН»ДА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ**

Ромитон туманининг «Бофитуркон» фермер хўжалиқлари уюшмасига қарашли ҳудудда 275 ўқувчига мўлжалланган қишлоқ хўжалик касбухона коллежи фойдаланишга топширилди. Уни «20-трест» хиссадорлик жамияти қурувчилари бунёд этди. Коллеж қурилиши учун 730 миллион сўмлик маблаг сарфланди. 20 та фан кабинети, 4 та лингафон, 2 та компьютер хонаси, лаборатория ва ўқув устаконалари, спорт зали ҳамда ошхонага эга билим даргоҳида ўқувчиларнинг таълим олишлари, замонавий касбларни пухта эгаллашлари учун барча шaroит мавжуд.

Коллежнинг очилиш маросимида Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов қатнашди. (ЎЗА).

**Ўзбекистон мустақилликка эришганига ўн бир йилдан ошяпти. Тарих учун бағоят оз муддат саналган ана шу даврда мамлакатимиз жаҳонга юз тугди. Ўтмиши, маданияти, дини ва тилидан мусулво қилинган фидокор халқ ўзлигини таниди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов бошчилигида амалга оширилаётган одил ва оқил сиёсат туфайли барча соҳа жадал ривожланмоқда, одамлар қилган меҳнатидан берака толяпти. Шу йилларга келиб, ўзаро манфаатли шартнома асосида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга мойиллик билдираётган хоржилик тадбиркорлар, мутахассислар сони тобора ортмоқда.**

Мустақиллик йилларининг дастлабки кунлариданоқ қишлоқ хўжалигини, шу жумладан, унинг муҳим тармоқларидан бири - пиллачиликни жадал ривожлантиришнинг аниқ дастури ишлаб чиқилганлиги бугун ўз самарасини бермоқда. Тарихий манбаларда шундай сатрлар бор: бундан икки минг йиллар аввал Самарқанд ва Бухорода етиштирилган пил-

ла барча юртларда бебаҳо бойлик сифатида қадрланган. Яна шундай таъкидланадики, Кипр мамлакатининг уша даврдаги подшоши тарозининг бир палласига тилло, бир палласига эса Самарқанд ва Бухоро пилласини қўйганлиги ҳам бежиз эмас. Кези келганда соҳани изчил ривожлантириш ва унинг истиқболлини белгилашга қаратилган Президент Фармонлари ва Вазирлар

Маҳкамаси қарорлари мақсада эришишда асосий меъзон бўлаётганлигини таъкидламоқ мумкин. Бу қонунларнинг амалий ижроси ўлароқ йилдан-йилга пилладан мўл-ҳосил етиштириляпти. Шунингдек, пилладан тайёрланаётган маҳсулотлар жаҳон бозоридан ўзига хос ўрин тугди ва ўзбек ипагига бўлган талаб бир мунча ортди. Бунда албатта, соҳа фидойилари каторида мутахассислар ва олимларнинг ҳам ҳиссаси катта.

Дарвоқе, кейинги йилларда улар саяй-харақати туфайли пилланинг янги-янги навлари яратилди. Чунончи, «Нишонланган-1», «Нишонланган-2», «Ўзбекистон-5», «Ўзбекистон-6», «Ипакчи-1», «Ипакчи-2» каби навлар нафақат ҳосилдорликда, балки ипагарилик сифатлиги жиҳатидан ҳам ўзига хос ўрин

туғди. Соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланган тут плантацияларини кўпайтириш борасида бир талай ишлар қилинганлиги ҳам бор гап. Ширкат хўжалиқлари ҳамда жойлардаги «Пилла» очик турдаги акциядорлик жамиятлари ҳамкорлигида янги плантациялар барпо этиляпти. Бунда, айниқса, ушбу майдонларни уч йилгача соликдан озод этиш тўғрисидаги Президент Фармони соҳадагиларга катта имтиёз ва имконият яратмоқда.

Айтиш лозимки, пиллачилигимиз ривож топгани сайин чет эл сармоядорларининг ҳам унга бўлган қизиқиши, талаби ортаёпти. Айниқса, «Пилла-холдинг» ва «Ўзбек ипаги» компаниялари ташкил топганидан сўнг жаҳон бозоридан унинг нуфу-

зи янада кучайди. Айни пайтда янги технологияларни тармоққа олиб кириш, етиштириляётган хомашёни қайта ишлаш борасида Япония, Хитой, Италия, Жанубий Корея каби мамлакатлар билан ўзаро истиқболли шартномалар тузилган.

Кўриниб турибдики, етти ҳазинанинг бири ҳисобланган пилламининг дунё бозоридаги мавқеи тобора ортмоқда, соҳани сердаромад манбага айлантириш, имкон даражасида хомашёнинг асосий қисмини шу ернинг ўзидан қайта ишлаб, одамлар манфаатдорлигини ошириш ва шу йўл билан янги ишчи ўринлари яратиш юзасидан талай ишлар қилинмоқда. Лекин, тан олишимиз керакики, жойларда соҳа ривожига йўналтирилган қонунлар ижросини таъ-

минлаш ва уни ҳаётга татдиқ этишда баъзан ишчанлик ва тадбиркорлик етишмаётганлиги сезилиб қоляпти. Бу эса асосий хомашёни етиштирувчи пиллакор ва ишчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлишдан ташқари пиллакорларда хомашёнинг қайта ишланмасдан ойлаб туриб қолишга олиб келмоқда.

Маълумки, бозор иқтисоди шароитида хар бир иш учун қилинган меҳнатга яраша даромад белгиланади. Вазирлар Маҳкамасининг «Шартнома шартларини муддатда бажариш учун корхона ва ташкилотлар раҳбарлари масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилганлиги бежиз эмас. Аммо хоразмлик пиллакорлар йил якунидан кўнгиллари унчалик тўлмади. Гарчанд баҳорнинг серёғин келганлиги боис мўл пилла хомашёси етиштирилган бўлса-да, пиллакорлар ханузгача сотган маҳсулотлари учун тегишли улушларини олганлари

**ЕТТИ нега**

йўқ. Ваҳоланки, маҳсулот етиштирувчи томон, яъни ширкат хўжалиқлари ва буюртмачи - «Пилла» акциядорлик жамиятлари ўрта-сида тузилган ўзаро шартномада 90 кун оралигида шартнома бандлари тўлиқ бажарилиши кўзда тутилган. Эътиборни мана бу тусолга қаратсак. Гулран ту-

**Конституциямизни ўрганамиз**

**Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини атрофлича ўрганиш ва уни ҳаётга кенг татбиқ этиш тўғрисидаги Фармойиши Асосий Қонунимизга берилган юксак эҳтиром рамзидир.**

Зеро, Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди. Агар эътибор бериб қарайдиган бўлсак, Асосий Қонунимизнинг деярли ҳар бир нормаси кўп-ювчан хусусиятга эга эканлигини кўрамиз. Жамиятнинг муайян жаҳаларини тартибга солувчи ушбу нормаларнинг бу

ларини ҳаётга татбиқ этади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Конституциямизни туғилажак адолатли қонунлар асоси, уларнинг асосий мезони, десак муболага бўлмайди. Хуқуқнинг яратилиш асоси ижтимоий тараққиёт давом этиши билан бир қаторда, айнан Конституцияга боғлиқлиги биз учун табиий ҳол ҳисобланади. Чунки Конституциямиз яратилиши жараёнида миллий ри-

а) жорий этилган қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос келиши;  
б) республика қонунчилигининг ягоналиги;  
в) юқори давлат органларининг фаолиятдан келиб чиқувчи бошқарув органлари ҳужжатларининг қонун ости эканлиги.  
3. Қонунчилик тизимининг турли поғоналарини намоён қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг назарий-методологик асосларини таҳлил этиш.

**АДОЛАТЛИ ҚОНУНЛАР АСОСИ**

хусусияти Конституциямизда қуйидаги иборалар орқали ифода этилади: «...қонунга биноан», «...қонун билан белгиланади», «...қонун назарда тутган ҳолларда бундан мустасно», «қонун билан кафолатланади» ва ҳоказо.

вожланишимиз тарихи, дунёвий давлатчилик негизи, ривожланган давлатлар тажрибасидан андоза, инсон манфаатларининг устуворлиги ва халқаро ҳуқуқ нормалари билан суғорилган.

4. Тармоқли ҳуқуқ нормаларининг (кодекс) ишлаб чиқиши йўлларини амалга оширувчи комплекс норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таъминлаши механизминини ишлаб чиқиш.

Конституция моддаларида бот-бот учраб турадиган бу тушунчалар сирдан қаралганда, бир қадар оддий бўлиб кўринса-да, ўзига хос илмий аҳамият ва шу негизда юксак тафаккур касб этади. Бу ибораларнинг ҳар бири остида муайян жамият учун зарур қонунлар талаби ва эҳтиёжи борлиги чинакам ҳуқуқий ва демократик қудратга хосдир.

Қонунчиликнинг ривожланиш мезонлари жамиятнинг аниқ соҳалари, ижтимоий муносабатлар турлари, субъектлари бўйича адолатли қонунларнинг қабул қилиниши ва ижро этилишига ҳам бориб тақалади. Конституция нафақат адолатли қонунлар вужудга келишининг ҳам асосидир.

5. Юқори ҳуқуқ нормасининг мазмунини қуйи ҳуқуқ нормасида такрорлаш тушунасига аниқлик киритиб, қонунчиликдаги бу камчилиқнинг сабабларини аниқлаш ва уни бартараф этиш йўллари ҳамда воситаларини ишлаб чиқиш лозим ва ҳоказо.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 91-моддаси 2-хатбошида «Президентнинг шахсий дахлсизлиги қонун билан муҳофаза этилади» деган норма мустаҳкамлаб қўйилган.

Фақат бу ерда ҳавф турдаётган муаммолардан бири бўлган норматив-ҳуқуқий иерархик жойлашишда бир ҳуқуқ нормасининг олдин олиш лозимдир. Ваҳоланки, ҳар бир қонунчилик ҳужжатлари иерархик жойлашишда ўзининг аниқ, шахсий ўрнига эга бўлмоғи даркор.

Шу жумладан, давлат ҳокимияти органларининг ва уларда фаолият кўрсатаётган мансабдор шахсларнинг ўз ҳуқуқлари ва ваколатлари доирасини аъло билиши, ҳуқуқ ижодкорлигида Конституция ва қонунларга ҳурмат муносабабидан таъминлаш мумкин бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Ваҳоланки, бу ерда давлат раҳбарининг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлаб қўювчи ҳамда унинг шаъни ва қадриятини муҳофаза қилувчи, унинг ваколатларини тўла ва қатъийроқ ўзида мужассас этган қонунни қабул қилиш талаб этилади. Бу қонуннинг жамиятнинг халқ манфаатлари билан боғлиқ муҳим жиҳатини тартибга солиш хусусиятларини эътиборга олиб, унга, оддий қонунлардан фарқи ўлароқ, Конституциявий қонун мақоми берилса, янада мақсадага мувофиқ бўлар эди.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар нафақат Конституция, балки бутун бир қонунчилик ҳужжатларининг негизи ва моҳияти бир-бирига мос келишини қамраб олганлиги учун алоҳида бир илмий тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган мукаммал концепцияни талаб этади.

Ҳокимият муносабатлари, бошқарув муносабатлари соҳасидаги адолатлилик бошқарувчилар учун ҳокимиятнинг энг кичик чегаралари ва ҳокимиятнинг суверенитет қилинишдан сақланиши кафолатларини ўрнатишда намоён бўлади. Фуқаролик жамиятида адолатлилик ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларини қамраб олиши керак. Қонунчиликнинг барча тармоқлари ўзлари тартибга солаётган ижтимоий муносабатларда адолатлиликни ўрнатишга хизмат қилиши даркор.

Конституциямизнинг нормаларидан яна шунга ўхшаш қонун эҳтиёжини келтириб чиқарувчи қатор хусусиятларни учратиш мумкин. Ана шу хусусиятлар мажмуини инобатга олиб, уни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Ўзбекистон қонунчилигини демократик асосларга мувофиқ яратиш муаммоси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир-бирига мос келишига тўққинчи қилувчи омилларни қуйидагича усуллар билан бартараф этиш орқали амалга оширилади.


Зеро, адолат ҳақидаги тасаввур одамларнинг хоҳишини шакллантирадиган инсоний манфаатлардан ташкил топади. Инсонларнинг жамиятдаги асл ҳолати, уларнинг манфаатлари, адолатлилик ҳақидаги тасаввурлари, азму-ихтиёри ва бу хоҳишларнинг норматив мустаҳкамлашнинг давлат «фуқаро», «давлат», «жамият» тушунчаларининг уйғунлигига олиб келади.

1. Баъзи қонунларнинг қабул қилиниши Конституция тўғрисидаги талаб қилса, айрим қонунлар эса унинг умумий моҳиятидан келиб чиқади.
2. Қонунлар қай даражада Конституция норма-

1. Хуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг ижтимоий фойдали хусусиятини асослаган ҳолда, зарурий назарий конструкциясини ишлаб чиқиш.
2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижодкорлиги институти қонунчиликни шакллантиришнинг усулларидан бири эканлигини кўрсатиш ва унинг таъминлашини йўлга қуйидагиларга эътиборни қаратмоқ лозим:

Зеро, адолат ҳақидаги тасаввур одамларнинг хоҳишини шакллантирадиган инсоний манфаатлардан ташкил топади. Инсонларнинг жамиятдаги асл ҳолати, уларнинг манфаатлари, адолатлилик ҳақидаги тасаввурлари, азму-ихтиёри ва бу хоҳишларнинг норматив мустаҳкамлашнинг давлат «фуқаро», «давлат», «жамият» тушунчаларининг уйғунлигига олиб келади.

**Азиз ИМОМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси аъдонти.**



**ҚИШ - СИНОВ**

**буни, айниқса чорвадорлар яхши билишади**


Қарши туманида жамоат чорвачилигини ривожлантириш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилинаётир. Меҳнат самарадорлигини ошириш чорвадорлардан ишга маъсулият билан ёндошиш билан бирга яратиб берилаётган шарт-шароитларга боғлиқ, Фермада етарли миқдорда озуқа базаси жамғарилганлиги қишлоғини бета-лофат ўтишини таъминламоқда.

Ишчиларга иссиқ кийим-бош ҳамда ишдан сўнг дам олишлари учун барча шароитларни яратганмиш, дейди хўжалик касаба уюшма кўмитаси раиси Гофур Хўжамқулов.

Хўжалик сўтчилик фермасида 472 бош қорамол бўлиб, 110 бошли соғин сигирлар ташкил этади. Соғувчилар янги йилни яхши кайфиятлар билан бошладилар.

**Суратларда: 1. Илғор тракторчи Шавкат Бердиев. 2. Озуқа юклаш пайти. 3. «Ипак йўли» ширкат хўжалиги чорвадорлари.**

**Шавкат СУЛТОН олган суратлар.**



**ЮТУҚЛАР ЕТАРЛИ**

**муаммолар ҳам йўқ эмас**

Сариосий тумани Шарғун шаҳридаги 2-иктидорли болалар мактаб-интернатидан 284 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Бу масканда ёшларга инглиз тили, химия ва биология фанларидан тажрибали ўқитувчи ва мураббидан чуқурлаштирилган усулда таълим беришади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида иш олиб бораётган жамоамиз бир қатор ютуқларни қўлга киритди, дейди ўқув маскани директори Исроил Абдураимов. - Ўқувчиларнинг ҳурлик билан олиши ва кўнгилли ҳордик чиқариши учун етарли шарт-шароит яратилган. Шу боисдан, бу даргоҳга қўшни Узун, Денов, Олтинсой ва Термиз туманларидан ҳам ўғил-қизлар келиб сабоқ олишмоқда. 72 ўринли ётоқхона улар хизматиди.

Билим ўқонига 14 та тўғрақ мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Спортнинг KUNG-FU тўғрақ аъзолари Жаҳонгир Эшонқулов ва Фирдавс Хонновлар республикада соврикли 2 ва 3-ўринларни эгаллашган. Бу ерда таълим жараёни яхши йўлга қўйилган. Бунда Жўракул Йўлдошев, Абдуҳалил Бобонийёзов, Нодира Азизова, Малика Чориева сингари жонқуяр ўқитувчиларнинг хизматлари катта бўлаёти-

ти. Она тили ва адабиёт ўқитувчиси Зухра Эсонова эса таълим-тарбия соҳасида фидойилиги учун Республика малака ошириш институтининг фахрий ёрлиғи ҳамда «Халқ таълими аълочиси» нишони билан тақдирланди.

Мактаб-интернатнинг 9-синф ўқувчилари Мансур Рўзиев, Жамол Ошмуродов, Дилором Нарзиева ва Фарход Мингбоевларнинг зеҳни, илм эгаллаш, ўрганишдаги тиришқоқликлари устозларда катта умид уйғотмоқда. Улар чет тилида бемалол гаплаша олишади. Ўзлари таълим олаётган фан йўналишлари бўйича аълочилардан ҳисобланишади.

Зиё масканига «Дашнобод» ширкат хўжалиги доимий равишда ҳомийлик қилиб келаёпти. Хўжалик қиёнда 35 нафар кам таъминланган болаларга 200 минг сўмлик дарслиқлар совға қилди. Очиги, ютуқлар баробарида айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Билим маскани 1995 йил ташкил топган бўлса-да, тўлиқ бино билан таъминланмаган. 3 та синфхона ва ошхона эса қўшни 4-ўрта мактаб биносига жойлашган. Энг ачинарлиси, ҳалғича бу масканда бирорта компьютер йўқлиги кўпчиликни таажубга солмоқда.

**Тўлқин ЖАЛЛОВ,**  
**«Ишонч» мухбири.**

**ТАЪМИРДАН ЧИҚҚАН ШИФОХОНА**

**Урганчада вилоят биринчи клиник шифохонаси қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди.**

Хоразм вилоятида тиббиёт соҳасида олиб борилаётган катта қурилиш ишлари соғлиқни сақлаш тизимидagi ислохотларни амалга оширишга кенг йўл очмоқда. Урганч шаҳрида жажон андозаларига тўла жаваб берадиган вилоят тез тиббий ёрдам маркази, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган вилоят болалар шифохонаси бунга яққол мисол бўла олади. Яқинда

ушбу тиббиёт масканлари сафига яна бири қўшилди. Вилоят биринчи сон клиник шифохонаси ҳашар йўли билан қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди.

жетдан эса 5 миллион сўм сарфланди. Шифохонанинг ўндан зиёб бўлимига қайта таъмирланиб, 160 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар ўрнатилди. Ушбу асбоб-ускуналар беморларга ташхис қўйиши ва яхши даволашни ташкил қилишда жуда қўл келади, деди шифохона бош шифоқори Баҳодир Хусайнов. - Бу ерда ҳар йили ўрта ҳисобда 20 минг нафар бемор даволаниб, саломатликларини тиклаш имконига эга бўлди.

**«Туркистон-пресс».**

мани «Пилла» очик турдаги акциядорлик жамияти ўтган йил ҳосили учун 11 та ширкат хўжаликлари билан ўз навбатида бу хўжалиқлар 2500 нафар пиллакор звенолар билан жами 166,7 тонна хомашё

ятнинг Кўшкўпир туманида аҳвол бундан баттар. Ўн олти ширкат хўжалигининг 3766 нафар пиллакорлари ўтган мавсумда туман «Пилла» очик турдаги акциядорлик жамиятига 210 тонна пилла

ятлар мавжудлигига қарамай меҳнат аҳлини ижтимоий ҳимоя қилиш ва янги ишчи ўринлари барпо этиб, ёшларни

кибегамлиқ қачонгача давом этиши мумкин, деган ҳақли савол туғилади.

**ХАЗИНАНИНГ БИРИ**

**эътибордан четда қолмоқда**

етиштиришга шартнома тузган. Маҳсулот этиштирувчилар шартномада кўзда тутилган мажбуриятини ортиги билан адо этганлигига қарамай, акциядорлик жамияти улардан шу кунгача 34 миллион 856 минг сўм қарздор бўлиб турибди. Мутасадди раҳбарларнинг беларво юрганлиги эса кишини ҳай-

рон қолдиради холос. Маълум бўлишича, мавсум давомидида пешона тери эвазига етиштирилган маҳсулотнинг атиги 22 тоннасини гина сотилган. Қолгани эса ўз эгасини топмасдан оморларда ётибди. Ёки

Мутасаддиларнинг бе-парволиги ва бокибегамлиги туфайли корхонанинг кредитор қарзлари 45 миллион 877 минг сўмни ташкил этади. Энг ачинарлиси, маҳсулот этиштирувчилардан қарздор-

лик камлик қилгандай туман «Пилла» очик турдаги акциядорлик жамиятида меҳнат қилаётган 23 нафар ишчи ўтган йилнинг феврал ойидан буён меҳнат ҳақини ололмаётганлиги наҳотки ҳеч кимни қизиқтирмася?! Қовун-қовунни қўриб, ранг олибди, деганлар бежиз эмас экан. Вило-

фойдали меҳнатга жалб этиш борасида на ташаббускорлик, на ишбилармонлик кўзга ташланмайдди. Пилла етиштириш ва унинг ҳозирги аҳволи хусусида Хоразм вилоятидаги иккита туманга тўхтадик, холос. Аслидан вилоятнинг барча туманларида ҳам, пиллани қайта ишлаш корхоналарида ҳам аҳвол яхши эмас. Сукут сақлаш, бо-

кибегамлиқ қачонгача давом этиши мумкин, деган ҳақли савол туғилади. Саноатни қишлоққа олиб кириш масаласи қатъий қўйилган ҳозирги кунда бу ердаги айрим раҳбарлар, мудроқликдан ўйғониш ўрнига қачонгача олма пиш, озғимга туш, қабилида иш қўришади? Эҳтимол, вилоят мутасаддилари кўтарилган ана шу долзарб масалаларга яқиндан ёндошиб, пиллакорлар олдида кўндаланг бўлиб турган муаммога барҳам беришар. Аммо ҳозирча аҳвол қандай бўлса, шундайлигича қолиб келмоқда.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
**«Ишонч» мухбири.**

**МАҲАЛЛАНГ ОБОД - УЙИНГ ТИНЧ**

Ўзининг 70 йиллик тинчлиги ва аҳоли тур-тўйига тарадуд кўраётган Нукус янгича қиёфа касб этмоқда. Унинг кенг ва раван кўчалари, хиёбонлари, бош майдони янада кўркамлашяпти.

Шарҳловчи минбари

**Шарҳловчи минбари**

Жажонда рўй бераётган воқеаларни кенг жамоатчиликка ўз вақтида етказиш оммавий ахборот воситалари вакилларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ўз вазифасини текорилиқ билан бажаришга интилан журналистлар ҳаёти эса кўпинча ҳавф остида қолаётир. Зеро, турли низолар, келишмовчиликлар ва ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган ҳудудлардан хабар узатиш осон иш эмас.

Жажонда рўй бераётган воқеаларни кенг жамоатчиликка ўз вақтида етказиш оммавий ахборот воситалари вакилларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ўз вазифасини текорилиқ билан бажаришга интилан журналистлар ҳаёти эса кўпинча ҳавф остида қолаётир. Зеро, турли низолар, келишмовчиликлар ва ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган ҳудудлардан хабар узатиш осон иш эмас.

Бош қароргоҳи Нью-Йорк шаҳрида жойлашган Журналистларни ҳимоя қилиш кўмитаси таркатган маълумотга қараганда, ўтган йили дунё бўйича 19 нафар журналист хизмат вазифасини бажараётган пайтда ҳалок бўлган. Бу рақам 2001 йилга (37 нафар) нисбатан анча кам, аммо ўз бурчинини адо этаётган беғуноҳ инсонлардан ҳатто бирининг қурбон бўлиши жуда ачинарли ҳолдир.

Бош қароргоҳи Нью-Йорк шаҳрида жойлашган Журналистларни ҳимоя қилиш кўмитаси таркатган маълумотга қараганда, ўтган йили дунё бўйича 19 нафар журналист хизмат вазифасини бажараётган пайтда ҳалок бўлган. Бу рақам 2001 йилга (37 нафар) нисбатан анча кам, аммо ўз бурчинини адо этаётган беғуноҳ инсонлардан ҳатто бирининг қурбон бўлиши жуда ачинарли ҳолдир.

**ҲАЛОҚ БЎЛГАНЛАР КАМАЙМОҚДА, АММО...**

Кўмита мутахассислари қийин шароитларда фаолият кўрсатадиган журналистларнинг ўлими каймаганини бир неча омил билан изоҳлашмоқда. Биринчидан, сўнгги йилларда кўпгина қуролли низолар барҳам топганини тилга олиш керак. Чунки, оммавий ахборот воситалари вакиллари асосан манашундай пайтларда ҳалок бўлади. Мисол учун Жазоир, Руанда ва Боснияда фуқаролик ушқари кечаётган 1994 йилда 66 нафар журналист ҳаётдан кўз юмганди.

Кўмита мутахассислари қийин шароитларда фаолият кўрсатадиган журналистларнинг ўлими каймаганини бир неча омил билан изоҳлашмоқда. Биринчидан, сўнгги йилларда кўпгина қуролли низолар барҳам топганини тилга олиш керак. Чунки, оммавий ахборот воситалари вакиллари асосан манашундай пайтларда ҳалок бўлади. Мисол учун Жазоир, Руанда ва Боснияда фуқаролик ушқари кечаётган 1994 йилда 66 нафар журналист ҳаётдан кўз юмганди.

Иккинчидан, ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган ҳудудларга йўл олаётган мухбирларнинг жангвар шароитга аввалдан тайёрлик қилиши ҳам яхши самара бераётир. 2002 йилнинг баҳоринда Йордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги воқеаларни ёритаётган икки нафар журналист кийимига катта ҳарфлар билан «ПРЕССА» деб ёзиб қўйганди. Шу сабабли, ҳарбийлар ўқи уларни четлаб ўтди. Венесуэлада эса икки нафар ҳамкасбимиз ўқ ўтказмайдиган нимча кийиб олгани туфайли омон қолди.

Иккинчидан, ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган ҳудудларга йўл олаётган мухбирларнинг жангвар шароитга аввалдан тайёрлик қилиши ҳам яхши самара бераётир. 2002 йилнинг баҳоринда Йордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги воқеаларни ёритаётган икки нафар журналист кийимига катта ҳарфлар билан «ПРЕССА» деб ёзиб қўйганди. Шу сабабли, ҳарбийлар ўқи уларни четлаб ўтди. Венесуэлада эса икки нафар ҳамкасбимиз ўқ ўтказмайдиган нимча кийиб олгани туфайли омон қолди.

Уруш ўзи ному билан уруш. Журналистларнинг ҳаётига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Лекин айрим мухбирларнинг коррупция ва киноятчилик оламидаги «уйинлар»ни холис ёритгани учун атайин ўққа тутилаётгани яна ҳам таъшишди. Ушбу мавзуда жиддий чиқишлар қиладиган журналистларнинг бедарак йўқолиш холлари ҳам тез-тез учраб туради.

Уруш ўзи ному билан уруш. Журналистларнинг ҳаётига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Лекин айрим мухбирларнинг коррупция ва киноятчилик оламидаги «уйинлар»ни холис ёритгани учун атайин ўққа тутилаётгани яна ҳам таъшишди. Ушбу мавзуда жиддий чиқишлар қиладиган журналистларнинг бедарак йўқолиш холлари ҳам тез-тез учраб туради.

**«Туркистон-пресс».**

**«Ишонч» мухбири.**

Олис қишлоқ спорти

ташкил топган волейболчи қизлар жамоаси ҳам ўз маҳоратини ошириб борапти. Бунда мураббий Бахтиёр Турғуновнинг ҳиссаси катта бўлаётди. Спорт мактаби раҳбари келгуси режалари ҳақида сўзлар экан, қишлоқда спорт турларини янада оммалаштириш, бунинг учун теннис корти, сузиш ҳавзаси куриш режаси борлигини таъкидлади. Энг муҳими, булар шунчаки гап эмаслиги, амалий ишлар бошлаб юборилганлигининг гувоҳи бўлди. Бунда турман таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшма кўмитаси билан яқиндан ҳамкорлик асқотаяпти. Айтишларича, А.Эра-

лиев раҳбарлигидаги «Акмал» автомобилларга ёнилги қуйиш хусусий шохобчаси спорт мактабига ҳомийлик қилаётган экан. Агар бу савобли ишга ўз кўмакларини беришга азму қарор қилган ички ишлар бўлими, «Матлубот-савдо» идоралари ҳам четда туришмаса, зарбдорлик спорт жонқуялари иши янада ривож топган бўлар эди. Бинобарин, болалар спортини ривожлантиришга жиддий киришилган бир паллада бу табиий ҳолдир.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Умид чечаклари
ХАЗРАТ НАВОИЙ
Ойдин кечаларни ўтказгум бедор,
Қўлимда қалам бор, аммо йўқ мадор.
Биргина мисрага бўлганимда зор,
Ҳазрат Навоийдан изладим паноҳ.
Узатсам самоларга етмади қўлим,
Ўқиб шеърларимдан тўлмади дилим.
Ҳатто келмаганда оятга тилим,
Ҳазрат Навоийдан изладим паноҳ.

АЁЛЛАР
Фарзанди дардига бўлиб харидор,
Ҳатто чумолига етказмас озор,
Барчиндек вафоли, Кумушдек дилдор,
Жон аёллар, жонон аёллар.
Изгирин шамоллар тилса бағрингиз,
Юракда бўлса ҳам талай дардингиз,
Шунда ҳам ўйлайсиз жигарбандингиз,
Жон аёллар, жонон аёллар.
Шоирлар қанчалар битса ҳам дoston,
Қалбингиз айрилиқ, ғуссага макон.
Армонли дунёда қилмангиз армон,
Жон аёллар, жонон аёллар.

ШЕЪРГА СИГМАЙДИ
Юрак орзиқади, кутар интизор,
Дардига дардкашни кўмсайверади.
Зорланиб боқади мовий осмонга,
Ёниқ бир юлдузини излайверади.
Аламин айтса гар шеърга сигмайди,
Сигмайди фазога, сигмас дунёга.
Айттайин деса гар ерга сигмайди,
Дунё борлиги ҳам ўхшар рўёга.
Шунда мен юракка айтаман бир сўз:
Ғамхона излама дунёдан фақат.
Излама фазодан, излама ердан,
Ўзингдан излагин, ўзингдан албат.

Наима АБДУРАҲМОНОВА,
Паркент туманидан 10-урта мактабнинг
10-синф ўқувчиси.

Зарбдорликлар яхши эшлашади: 1988 йили бу ердаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жой ҳамда етарлича шароит бўлмагани туфайли Эомин тумани тасарруфига ўтказиб юборилганда спорт шинавандалари бўлган қишлоқ ёшлари бундан кўп азит чекишганди. Ушундан эндигина Жиззах Давлат педагогика олийгоҳини битириб келган Равшан Сунонбеков ёшларнинг бу қизиқиш ва интилишларини яхши билар, уларга амалий кўмаклашиши иштиёқида яшарди. Бунга унинг соҳа мутахассиси эканлиги ҳам туртки берарди...

Туман ҳокимлиги Равшаннинг режалари билан обдон танишиб, уни қўллаб-қувватлашга киришди. Туман марказига туташ «Юксалиш» хўжалигининг кўп йиллардан буюн хувилаб ётган клуб биноси Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ажратиб берилди. Ун кишидан иборат мураббийлар биноси етти ой мобайнида қайта таъмирланди. Хизмат ҳақиға ҳеч кимдан чақа ҳам сўрамади. Аксинча, Равшан куриши ашёлари олиш учун яхшигина ишлаб турган тегирмонини ҳам сотди. Хуллас, биноси спорт мактабига мослаштириш учун 1 миллион сўмдан ортик катта ютуғимиздир.

ЗАРБДОРДАН ЧЕМПИОНЛАР ЧИҚАДИ

Дарҳақиқат, бугун бу ерда спортнинг беш тури – футбол, волейбол, бокс, каратэ ва кураш бўйича тахсил олаётган ёшларнинг ҳечрасида мамнунлик ифодаси балқийди. Улар-

ОТ ЙИЛИ КЎПКАРИ БИЛАН ЯКУНЛАНАДИ

Республика биринчи улоқ-кўпқари чемпионати бўлиб ўтгандан сўнг Жиззах отчопари янада гавжумлашди. Вилоят ҳокими «Жиззах отчопари» акциядорлик жамияти ва ҳомий ташкилотларнинг улоқ-кўпқари ўтказиш бўйича тузган тadbир-режасини маъқуллади. Ушбу тadbир-режаға кўра январ, феврал, март ойларининг ҳар якшанба куни «Жиззах отчопари»да кўпқари ўтказиладиган бўлди. Мусобақаларга вилоятдаги йирик корхона ва ташкилотлар ҳомийлик қилиб, ўз совринларини кўймоқда. Ҳар якшанба куни мунтазам ўтказиладиган кўпқарининг сўнгисини от йили якунида - Наврўз кунларида бўлиб ўтади.

(ЎЗА).



И.ТЎРАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Хиндистонда аёллар учун алоҳида автобуслар чиқарила бошланди. Фақат хотин-қизларга мўлжалланган махсус транспорт воситалари янги йилда ажойиб совға бўлди.

МАХСУС ЖАМОА ТРАНСПОРТИ

Аёллар транспортини йўлга қўйишдан мақсад - уларнинг ҳафсизлигини таъминлаш. Ҳақ шундаки, Деҳли аёлларининг кўпчилиги жамоат автобусига чиқишдан қўрқар экан. Бу қўрқув бежиз эмас. Аксарият ҳолларда чўнтаккасару маст-аласт шилқимлар йўлда кетаётган аёлларга тинчлик бермайди.

Деҳли мамлакат пойтахти бўлишига қарамай, унда деярли ҳар кун кўплаб тартиббузарликлар рўй беради. Полиция қанчалик кескин чоралар кўрмасин, безориликлар қамайгани йўқ. Маҳаллий газеталарда кунора автобуслардаги қотиллик ёки бошқа жиноятлар ҳақида хабар берилади. Янги транспорт воситаси орқали ҳукумат мазкур муаммага чек қўймоқчи.

Шундай қилиб, аёллар автобуси ўз қатновини бошлаб юборди. Барча жамоат транспортни сингари бу автоуловлар ҳам тигиз пайтда йўловчларнинг ҳолатини чикармоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, аёллар учун алоҳида автобуслардан фойда кам. Айримларнинг фикрича, мазкур транспорт тури жамиятдаги аёл ва эркак ўртасида тенгсизлик муаммосини келтириб чиқариши мумкин. Шунга қарамай, ҳинд аёллари янги кулайликдан мамнун.

(ЎЗА).

Сафарга чиқканда яхши одам билан ҳамроҳ бўлиш ҳам бахт. Ажойиб суҳбат қуриб, манзилни яқинлаштириш, йўл азобини енгиллатиш мумкин. Бир сафар каттакўрғонлик Турсунмурод ака билан йўлдош бўлиб қолдим. Ростини, унинг қасбобилигини эшитиб, дастлаб инжилдим: нимани ҳам гаплашардим?! Лекин бироздан сўнг у киши ҳақидаги фикрим бутунлай ўзгарди. Ич-ичимдан хижолат тортидим. Ҳамроҳимнинг оғир-босиқ мўлоҳазаси, кенг мўшоҳадаси, манتيкий таҳлили мени лол қолдирди. Айниқса, у кишининг ўзи гувоҳ бўлган ҳаётини бир хикоясини газетхонлар билан баҳам кўришни ният қилдим. У киши қандай сўзлаган бўлса, иложи борича шундайлигича қозога туширишга интиладим.

Ҳар галгидек якшанба куни молбозарга чиқдим. Бозор куни уч-тўрт мол олиб, ҳафта давомида сўйиб сотамиз. Лекин шу куни харидим юришавермади. Дидимга ўтирадиган семиз мол йўқ эди. Ориқ мол сўйиб доимий мижозларимни ранжитгим келмайди. Кун ёйилиб, бозор сийраклаша бошлади ҳамки, бирорта мол харид қила олмадим. Шу пайт кўзим йирик бир молни етаклаб бозорга кириб келаётган йигитга тушди. Дарҳол харидор бўлдим. Нарҳини сўрадим. У айтди. Лекин бозор сўрайдиган нарҳдан анча арзон айтди. Юрагим шув этди. Лекин сездирайми савдолашдим. Йигит кўп тортишмади, рози бўлди, келишди. Молни четга боғлаб, пулнинг бир қисминини кўлига тутказдим. У пулни санамасдан олавермоқчи бўлди. Мен қўрмадим. Санашга мажбур қилдим. Ахир, ердан толсанг ҳам санаб ол, дейишди машойиллар. Унинг қўли енгил титраб пул санай олмаётгани, кўзи атрофга олазарак бўлаётгани эътиборимни тортди. Кўнглимга тушган шубҳа тасдиқланган эди.

ҲАЛОЛ МУЛККА ЗАВОЛ ЕТМАГАЙ

дедимми?! Болаларни харом билан боқишдан хазар қилмадингизми? Номусларга қолдиргандан кўра ҳаммамизни ўлдириб қўя қолмайсизми? - шўрлик аёлнинг ноласига, болаларнинг йигисига чидаб бўлмасди. Ниҳоят, қинғир ишга қўл урган йигит кўнглини ёрди: -Иложсиз шу йўлга юрдан... Айбдорман. Қамаб юборсанглар ҳам майли.

Жиноятни, бировнинг мулкига даҳл қилганликни оқлаб бўлмайди. Шунга қарамадан бир яхшилик қилгим келди. Ахир, адашган одамни жазола-масдан, яхши гап, ибрат, сабоқ билан тўғри йўлга қайтарш мумкин-ку! Молнинг ҳақиқий эгаси уйи сари йўл олдиқ. Энди тўрт киши эдик - йигитнинг хотини ҳам бизга қўшилди. Дала-дашдан ўтиб борарканмиз, йигитдан молни қаердан олганини кўрсатишини сўрадик. Уша жойга яқинлашарканмиз, бири эшак минган, бири яёв болаларга дуч келдик. Улардан каттарогини гапга тутдим. - Нима қилиб юрибсизлар? - Мана бу ерда боғлиқ турган молимиз кўринмай

қолди. Бўшалиб кетганми, шуни қараб кўрмоқчимиз. - Исминг нима? - У айтди. Менга унинг исми кизик, галати, гайриоддий туолдимми ёки англамай қолдимми, қайтадан сўрадим. У дона-дона қилиб айтди: - Ишқиллоҳ. Бунақа исми фарзандига имон-диёнатли, ўта самимий номозхон одамларгина бериши мумкин. Юрагим орзиқиб кетди. Вужудимда ҳаяжонли титроқ пайдо бўлди. - Кимнинг ўғлисан? - Исматилло ҳожи бобонинг. Бошқа изоҳнинг ҳожа-ти йўқ эди. Минг бир истихоло билан бу табаррук зотнинг оstonасига оёқ кўйдим. Салом-алиқдан сўнг сўз очдик. Йўқолган молнинг топилганини, одатга кўра су-юнчиға келганлигимизни айтдик. Худо ҳақки, ас-тойдил ҳеч нарсага умидвор бўлганимиз йўқ. У кишининг кўнглини юмшатиш ниятида ярим-ҳазил қилиб гапирдик. У киши тушунди. - Менинг молим йўқолмайди, сувда чўкмайди, ўтда ёнмайди, - деди хотиржам. Кейин изоҳлади: - Чунки мулкимнинг закотини бериб қўйганман. Ҳожи бобонинг овози-да сирли салобат, оҳанрабо бор эди. Суҳбатдо-шига таъсир қилмай қол-масди. У ошқора гапири-шини сўради. Мен бор воқеани ипидан-игнаси-гача айтдим. Сўнг муҳ-

Яхшилик яхши!

тожлик домдида қолиб, йўлдан адашган йигитнинг жавобгарликка тортилишдан сақлаб қолинишига ёрдам бериши, унинг болаларига жабр қилмаслигини ўттиндим. Отахон сукутга толди. Ранжигани аниқ. Номатқул иш қилган йигитга озгина танбёх берди. Сўнг оҳиста сўз бошлади: - Банданинг бандани жазолаши ҳеч гап эмас. Ҳеч кимни худо урмасин, бунга чора йўқ. Бош эгиб

ган вақтларда аъзоларнинг мулки, улуши умумий битта омборда сақланаркан. Фалакнинг гардиши билан ана шу омборга ўт тушибди. Ёнгин кучли экан, уни ўчиришнинг иложи бўлмабди. Биров «молим кўйди»деб фарёд чекса, биров «хонумонимдан ажралдим» деб йиглармиш. Шунда қарашаки, бир киши четгинада тиз чўкиб, «Эй худо, борбодумни сенга ишониб шу ерга қўйгандим, сенинг паноҳингга топширгандим, йил бўйи меҳнат қилиб топганим, болаларимнинг ризқи эди. Болаларимнинг ризқини ўзинг бергансан, ўзинг асраган», деб нола қилаётганмиш. Унинг бу ишини бировлар телбалликка йўйишибди. Ёнгин анча давом этиб, сўнг ўчибди. Бизнинг ақли оживидими бовар қилмайди-кан синоватни қарангки, шундай кучли ёнгин ичида қолган бояғи кишига тегишли иккита ёғоч сандиқдаги галлага олов даф ҳам қилмабди. Нега деган саволга жавоб беролмайман, бунини изоҳлашга ҳам ботинмайман. Ҳаётимда фақат бир нарсага амин бўлганман, имон келтирганман: ҳалол мулкка ҳеч қачон завол етмайди. Менимча, Оллоҳга чин муҳаббати бор инсонгина ҳалол яшай олади.

Даврадагилар бу суҳбатдан ўз-ўзимизга сабоқ олдик. Ташақкурлар айтиб, ортимизга қайдик. Мол келтириб берилди, албатта. Кейинчалик уша йигит ҳам тўғри йўлни топиб кетган деб эшитаман. Турсунмурод ака хикоясини тугатар экан, «диёнатли одамларнинг садағаси кетсанг арзийди», деб кўйдим.

Рустам ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.



Гиппократ жаҳон тиббиёт тарихида ёркин сиймоға айланган буюқ шифокор бўлган. У эраимиздан аввалги 460 йилда қадимий Юнонистоннинг Кос оролида туғилди.

Биласизми?

ГИППОКРАТ ҚАСАМЁДИ

Гиппократга табиб-лик ота-боболаридан ўтган эди. Балоғат ёшига етган Гиппократ Афина шаҳрига қўчиб келгач, тиббиёт соҳасига бўлган қизиқишини янада ортди. У даламдала кезар, Афинанинг иклими, суви, хавоси, тупроғи ва халқининг турмуш тарзини ўрганар экан, одамларда учрайдиган касалликларнинг сабабини эринмасдан изларди. Инсон борлиқнинг бир қисмидир, унинг ташқи тузилиши ва ички руҳиятини табиат шакллантиради. Одам баданининг табиатини ташқи муҳит белгилайди. Жамият ўз қонун-қоидалари билан одам табиатини ўзгатириши мумкин, дер эди буюқ шифокор. Беморнинг аъзоларини пайпаслаб кўриш, бармоқ билан дуқуллатиб кўриш, қулоқ қўйиб эшитиш усулларини у кенг қўлларди. Ҳозир бугун дунёда қўлланилаётган «касалик тарихи» варақаси ҳам Гиппократ ақл-заковати маҳсули бўлди. «Касалик тарихи»га ёзиб олинган маълумотларни умумлаштириб, касалликларнинг асосий белгилари, уларнинг кечиши ва оқибати ҳақида хулоса чиқарилади. Шундан кейингина даволаш чоралари кўрилади. Улуғ шифокорнинг «Гиппократ тўплами» 72 та катта-кичик китобча ва мақолалардан иборат. Улардан 12 тасини шифокор ўз қўли билан ёзган. Қолганларини шогирдлари оққа туширган «Хаволар, сувлар ва жойлар», «Ўткир касалликларда парҳез», «Қадимий тиббиёт ҳақида» каби асарлар қолди. Унинг «Тиббий қасамёд»и бугун дунёни ларзага солди. Табиб умрининг сўнги йилларини Ларисса шаҳрида ўтказди. У 83 ёшида оламдан ўтди. Лариссаликлар Гиппократ билан хайрлашув онларида унинг бошига олтин гулчамбар тақибган экан.

А.АЛИЕВ.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғиёс Қаюмов (бош муҳаррир), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Ҳатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.20

Махсус хизмат: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотула эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.